O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
**HOKIMI**

Узбекистон Республикаси
Самарканд вилояти
Самарканд тумани
**ХОКИМИ**

60

# QAROR-КАРОР

200 9 yil "4" феврал №87к

Самарканд туман Богибаланд кишлок фукаролар йигини Богимайдон махалласида жойлашган автомобилларни таъмирлаш устохонаси бино иншоотига эгалик килиш хамда ер майдонидан доимий фойдаланиш хукукини фукаро Очилов Обидга бериш хакида.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 2 июндаги «Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тугрисида»ги 278-сонли карори, Адлия Вазирлиги томонидан тасдикланган «Бино, иншоотларни давлат руйхатидан утказиш тартиби тугрисида»ги 387-сонли ва 1999 йил 27 майдаги «Узбекистон Республикасида ер участкаларига булган хукукларни давлат руйхатидан утказиш тартиби тугрисида»ги 736-сонли йурикномалари, Самарканд туман хокимининг 1995 йил 22 майдаги 220-К сонли карори, Самарканд вилоят адвокатлар хайъати адвокатининг туман хокими номига ёзган аризаси ва такдим этилган барча хужжатлари хамда Самарканд туман «Ермулккадастр» хизмати давлат унитар корхонаси томонидан тайёрланган кадастр инвентаризация хужжатларини инобатга олиб Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 22-моддасига асосан

**Карор киламан:**

1. Самарканд тумани Богибаланд кишлок фукаролар йигинига карашли Богимайдон махалласида жойлашган А-литерадаги (курилиш остидаги майдони - 80,54 кв.метр), Б-литерадаги (курилиш остидаги майдони - 21,07 кв.метр)дан иборат автомобилларни таъмирлаш устохонасига эгалик килиш ва жами 217,0 кв.метр ер участкасидан доимий фойдаланиш хукуки Очилов Обидга берилсин.
2. Ушбу карор кабул килиниши муносабати билан Очилов Обидга тегишли булган автомобилларни таъмирлаш устохонасини давлат руйхатидан утказиш ва солик инспекциясига маълумот бериш туман "Ермулккадастр" хизмати давлат унитар корхонаси бошлиги Т. Шаропов зиммасига юклатилсин.
3. Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б. Кодиров зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:** **Б. Садуллаев**